



Сийрат

Муборак мажлислари

Ҳасан розияллоху анху айтади: «Укам Ҳусайн деди: “Мен отамдан Бобомиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг ташқарига чиқишлари ҳақида савол қилдим. Отам айтдики: “Жаноб Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ўзларига зарурати бўлмаган сўзлардан муборак тилларини тияр эдилар. Келувчиларга дилбарлик — меҳрибонлик қилиб, ўзларига ром қилар ва уларни ўзларидан қочирмас эдилар. Ҳар қавмнинг улуги ва азизига иззат берар ва уни ўзларига сардор қилар эдилар. Одамларни Аллох таолонинг азобидан огоҳлантирар эдилар. Ўзлари одамлардан эҳтиётда бўлар эдилар. Лекин халқни ўз лутфу марҳаматларидан, яхши мизож ва яхши хулқларидан маҳрум этмас эдилар. Ёронларнинг аҳолидан хабардор бўлиб турар эдилар. Аҳоли орасида нима ҳоллар борлигини одамлардан сўраб турар эдилар. Яхши нарсани яхши дер ва унинг ўзини ва қилувчисини мадҳ ва таъриф этар эдилар. Ёмон нарсани ёмон дер ва қилувчисини мазаммат қилар ва ундан ман этар эдилар.

Барча ишлари мўътадил бўлиб, бир-бирига муҳолиф эмас эди. Ҳамиша сўзлари феълларига ва феъллари сўзларига мувофиқ бўлар эди. Ёронларига насиҳат ва иршод қилишда бепарво бўлмас эдилар. Чунки бепарво бўлсалар, улар ҳам бепарво бўлиб, роҳат ва ишратга берилиб кетадилар, деб қўрқар эдилар. Ҳар бир ҳолат учун етарли тайёргарликлари бўлар эди. Ҳар бир ҳодисанинг иложини қилишдан аввал кўриб-текшириб қўяр эдилар. Ҳар бир ишни бажаришда ифрот (ҳаддан ошиш) ва тафрит (бепарволик, енгил қараш)га йўл қўймас эдилар.

Сўхбатларига яқин бўлувчилар саҳобаларнинг ниҳоятда мумтоз ҳазратлари бўлар эдилар. Жанобнинг наздларида уларнинг афзаллари омма учун, халқ учун зиёда хайрихоҳлари бўлар эди. Ва мартабалари баландларининг халқ билан муроаси ва ёрдами яхши бўлар эди».

«Шамоили Муҳаммадия» асаридан

ўтказсак, кўп имкониятларни бой берамиз. Оқибатда афсус ва пушаймонликдан бошқа нарсага эга бўлмаймиз.

Бундай аянчи ҳолга тушмаслик учун, аввало, ҳар бир инсон яшашдан мақсади нималигини англаб етиши зарур. Зеро, фойдали юмушлар билан банд бўлиш, яхшилардан ибрат олиш, улуғ аждодларимизнинг манфаатли ишларини давом эттириш, фарзандларни илмли ва касб-хунарли қилиш бизни ҳалокатдан қутқаради.

Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Беш нарсдан олдин беш нарсани ғанимат бил: кексалигингдан олдин ёшлигингни, касаллигингдан олдин саломатлигингни, камбағаллигингдан олдин бойлигингни, машғуллигингдан олдин бўшлигингни, ўлимингдан олдин ҳаётингни”**, дедилар (Имом Ҳоким ривояти).

Абдулазиз БОБОМИРЗАЕВ,
Янги Наманган тумани бош имом-хатиби, “Ҳазрати Билол” жоме масжиди имом-хатиби

Яқинда интернетда кишини ўйлантирадиган ушбу сўзларга дуч келдим: “Бир йилнинг қадрини кириш имтиҳонларидан ўта олмаган абитуриентдан сўранг, бир ҳафта қадрини ҳафталик нашр муҳарриридан сўранг, бир дақиқа қадрини самолётдан кечиккан йўловчидан сўранг, бир сония қадрини тўқнашув олдини ололмаган ҳайдовчидан сўранг, милли сониянинг қадрини югуриш мусобақасида кумуш медал олган спортчидан сўранг! Унутманг, вақт ҳеч кимни кутиб турмайди”. Дарҳақиқат, ҳаётнинг қутилмаган вазиятлари бизга вақтнинг қадри нақадар баланд эканини англатади.

Ўйлаб қарасак, умримиз оқар сувдек ўтиб кетяпти. Биз уни фойдали ишларга сарфлаётганимизми ёки беҳуда ўтказяётганимизми? Айни дамларда дунёнинг қаеридадир бинолар тикланипти, жилд-жилд китоблар ёзилапти, чақалоқлар дунё юзини кўряпти, қайсидир инсонлар ҳаётни тарк этапти. Булар бизни мулоҳазага ундамайдими?

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Ҳар бир тонги

билайлик

ёришадиган кун борки, инсон болашига бундай нидо қилади: “Мен янги яратилдим (имкониятингман), ишларингга шоҳидман, менидан фойдаланиб қол. Агар кетсам, қиёматга қадар келмайман”.

Афсус, умримизнинг бебаҳо дамлари бемаъни нарсаларга сарф бўляпти. Ҳозирги кунда ойнаи жаҳон ёки телефон вақтимиз кушандасига айланган. Замонавий воситалар орқали ҳаётимизга керакли нарсаларни олсак бўлади. Лекин ахлоқсизликни тарғиб қилувчи сериалларга термулиб вақтимизни совурамиз, ижтимоий тармоқларда ўзгалар ҳаётини муҳокама қиламиз, ғийбатлар, ёлғонларга қўшиламиз.

Нега бунинг ўрнига бирор фойдали машғулот билан банд бўлмаймиз? Нима учун бўш вақтимизда китоб, газета ёки журнал ўқиб, билимимизни оширмаймиз, тил ўрганмаймиз? Бизни яратган Зотга тасбеҳ ва таҳлил айтиб, тафаккур қилмаймиз? Вақтимизни беҳуда

Саодат қучганлар ибрати

Савбон розияллоху анху Набий алайҳиссаломга ғоят муҳаббатли бўлиб, у зотни кўрмаса, туролмас эди. Бир кун у Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига маҳзун ҳолда келди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам унга: **“Эй Савбон, сенга нима бўлди, касалмисан?”** дедилар. Савбон: “Йўқ, бемор эмасман, ҳеч қаерим оғримаяпти. Бунинг сабаби сизнинг соғинчингиз, ё Расулulloх... Агар сизни озгина кўрмай қолсам, қаттиқ соғинаман, ҳатто сизни кўрмагунимча бу соғинч изтироби босилмайди. Бугун ана шундай соғинч ортидан охиратни ўйлаб, қаттиқ кўрқиб кетдим. Сиз

жаннатда баланд даражага набийлар билан кўтарилиб кетсангиз. Мен ҳам жаннатга кирсам-у, аммо даражам сизникидан паст бўлса, сизни соғинсам, кўролмайманми?” деди. Пайғамбар алайҳиссалом жим туриб қолдилар.

Шунда Жаброил алайҳиссалом мана ушбу оятни олиб келди: **«Ким Аллоҳга ва Расулига итоат қилса, бас, ана ўшалар Аллох неъмат берган набийлар, сидиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадирлар. Ва уларнинг рафиқлари қандай ҳам яхши»** (Нисо сураси, 69-оят). Бу оят Савбон розияллоху анхунинг

Улуғ мужда

севгиси-соғинчи туфайли бутун умматга барака ояти бўлди.

Сизу биз ҳам Аллоҳга итоат қилиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламни севиб, суннатларига эргашсак, иншоаллох, жаннатда у зот билан бирга бўламиз. Суюкли Пайғамбаримиз алайҳиссалом бошқа бир ҳадисларида: **“Киши (жаннатда) севгани билан бирга бўлади”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).


Зоҳиджон НЎЪМОНОВ,
Наманган шаҳар “Мулла Бозор Охунд” жоме масжиди имом-хатиби

✓ 5–6 ноябрь. Муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Озарбайжонда ўтган “Бутунжаҳон диний етакчилар глобал саммити”да қатнашди.

✓ 5–9 ноябрь. “Саййид Муҳйиддин маҳдум” мадрасаси талабаси Муҳаммадин Олимжонов “XXII Москва халқаро Қуръон мусобақаси”да қатнашди.

✓ 6 ноябрь. Тошкент ислом институтида “Долзарб ақидавий ва замонавий фикҳий масалалар” илмий-амалий анжумани бўлди.

✓ 7 ноябрь. Муфтийнинг биринчи ўринбосари Ҳомиджон Ишматбеков Малайзиянинг Перлис вилояти муфтийси Муҳаммад Асрий ибн Зайнул Обидин ни қабул қилди.



Идора ҳаёти

Ноқонуний диний таълим оқибатлари

Жамият ижтимоий-маънавий муҳитини янада соғломлаштириш, ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, ноқонуний диний таълим оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш бугуннинг долзарб вазифаларидан.

Шу мақсадда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасаруфигадаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари талабалари, устоз-мураббийлари иштирокида 21–31 октябрь кунлари “Хусусий тартибда диний таълим беришнинг ҳуқуқий оқибатлари: назарий асослари ва амалий жиҳатлари”, “Соғлом эътиқод – экстремизмга қарши курашнинг маънавий асоси”, “Диний таълим олиш тартиби”, “Миссионерлик ва прозелитизмнинг маънавий барқарорликка таҳдиди ҳамда унинг олдини олиш масалалари”, “Биз терроризмга қаршимиз” мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Тадбирларда юртимиздаги диний соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, давлат рўйхатидан ўтган олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари ва улардаги шарт-шароитлар ҳамда хусусий тартибда ноқонуний диний таълим беришнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Абдуносир БОБОМИРЗАЕВ,
Диний идора масъул ходими

Садақа қилган афзал

Закотга қодир, тани жони саломат бой киши умри давомида бир марта ҳаж қилиши фарзидир. Умра қилиш — суннат. Ҳаж ёки умрага қайта бориш эса нафл ҳисобланади. Шунга кўра, нафл ҳаж ёки умра қилиш афзалми, хайр-садақа қилишми, деган савол пайдо бўлади.

Аксар олимлар наздида иккинчи марта ҳаж ёки умрага боришдан кўра муҳтожларга инфоқ қилиш афзалдир. Бунга Набий солаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадислари далил: **“Инсонларнинг Аллоҳ таоло учун энг маҳбуби одамларга манфаати кўпроқ теккандир. Аллоҳ таолога энг маҳбуб амал мусулмоннинг қалбига хурсандчилик киритиши, ундан бирор мусибатни аритиши, бирор қарзини тўлаб бериши ёки очлигини кетказишидир. Бир биродаримнинг ҳожати йўлида бирга юришим мен учун ушбу масжид (Масжиди Набавий)да бир ой эътиқоф ўтиришимдан кўра афзалдир... Ким ўз биродари билан унинг ҳожати раво бўлгунча бирга юрса, қадамлар тойилмадиган кунда Аллоҳ таоло унинг қадамини собит қилади”; “Ёнидаги кўшинисининг оч эканини билатуриб қорни тўқ ҳолда ухлаган киши менга иймон келтирмабди”** (Имом Табароний ривояти).

Майдоний раҳимаҳуллоҳ айтиди: “Садақанинг нафл ҳаждан

афзал экани очиқ-ойдин айтилган... Бу фарз ҳажига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Зеро, муҳтожга қилинган садақанинг ажри етти юзтадан ҳам ортиб кетиши мумкин” (*“Лубоб”*).

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ: “Мен учун маблағини (нафл ҳаждан кўра) қорни очларга бериш маҳбуброқ”, деган (*Ибн Муфлиҳ, “Ал-фуруъ”*).

Чунки ҳаж ва умранинг манфаати фақат шу ибодатни қилувчининг ўзи билан чекланади. Садақа-эҳсоннинг манфаати эса кўпчиликка етади. Манфаати умумий бўлган амал манфаати хусусий бўлган амалдан кўра афзалдир.

Ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимаҳуллоҳ ҳажга кетаётиб, йўлда бир қизчага дуч келади. У: “Мен ва укамнинг бу изордан бошқа ёпинчиғимиз, ахлатхонадаги нарсалардан бошқа таомимиз йўқ. Бир неча кундан бери бизга ўлимтик ейиш ҳалол бўлиб қолди”, дейди. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак ҳажнинг пулини у қизга беради ва: “Мана шу иш бу йил ҳаж қилишимиздан кўра яхшироқ”, деб ортга қайтиб кетади (*“ал-Бидая ван ниҳая”*).

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтиди: «Баъзиларингиз: “Ҳаж қиламан, ҳаж қиламан”, дейсиз. Ҳолбуки, ҳаж қилиб келгансиз... Ундан

кўра, силаи раҳм қилинг, қарздорга садақа беринг, қўшнига яхшилик қилинг!» (Имом Аҳмад, “Зухд”).

Демак, юқоридаги фикрларга биноан, ҳаж ёки умрага қайта-қайта боришдан кўра қариндошуруғ, қўни-қўшнилар орасидаги муҳтожларга, беморларга, қарздорларга ёрдам бериш — жамиятга манфаат етказиш яхшироқ, хайрлироқдир. Лекин риё ва сумъадан, миннатдан йироқ бўлиш шарт. Яхшилик туфайли жамиятда ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, ўсиш-ривожланиш, хайр-барака бўлади, иншоаллоҳ.

Эҳтимол, кимдир: “Одамларнинг қай бирига ёрдам бераман? Бирига берсам, бошқалари-чи? Ундан кўра, зиёратга бориб келаверай”, деб ўйлар. Бу — алдамчи ҳаёл, шайтоннинг ҳийласи, холос. Чунки банда қудрати етган насага масъул, ортиғига эмас. Ҳар ким имконига қараб хайр-садақа қилади: кимдир бир кишига, кимдир икки кишига, яна кимдир битта оилага... Энг муҳими, Аллоҳ берган молдунёни ўзи рози бўладиган ўринга сарфлашдир. Аллоҳ барчамизни ўзи рози бўладиган амалларга муваффақ қилсин!

Яҳё РАЗЗОҚОВ,

Тошкент Ислам институти “Диний фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Эзгу амал

Ҳожилар – тарғиботчилар

Бу йилги ҳаж мавсуми чоғида Юртбошимизнинг муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари билан телефон орқали боғланиб, ҳожилар ҳолидан хабар олиши қувонарли воқеа бўлди.

Эътибордан руҳланган ҳожиларимиз Арафот водийсида **“Янги Ўзбекистоннинг фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз”** деган ташаббус билан чиқиб, мурожаат қабул қилдилар.

Мазкур ташаббусни амалиётга жорий этиш бўйича имом-хатиблар ва отиноиларнинг ҳожилар билан ҳамкорликда амалга оширадиган маънавий-маърифий тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. 11103 нафар ҳожи ўз маҳалласидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, профилактик ҳисобда турувчи, ёт ғоялар таъсирига тушганлар, нотинч ва ажрим ёқасидаги оилаларга бириктирилди.

Ўтган давр мобайнида республика бўйича 43201 марта шундай тадбир ўтказилиб, 219 545 нафар фуқаро



ҳолидан хабар олинди. 1 907 902 430 сўм миқдоридаги моддий ёрдам, 1 890 042 450 сўм миқдоридаги озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. Шунингдек, ҳожиларимиз ҳудудларда фаолият олиб бораётган тарғибот гуруҳлари билан биргаликда оилавий низолар, ажрим ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда иллатларга қарши кураш мавзуларида тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Хуллас, ҳожиларимиз бугунги кунда фаол тарғиботчиларга айланиб, жамият маънавий муҳитини юксалтиришда камарбаста бўлишмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Масжидлар билан ишлаш бўлими

Шеърят

Бу дунё бир имтиҳон...

Пул кетидан қувишни
Нафсинг қачон қўяди?
Бунчалар оч бўлмаса,
Қўзинг қачон тўяди?

Данғиллама уйинг бор,
Икки қават, ўн хона.
Тўймаганга дунё тор,
Етмасми шу қошона?

Қўша-қўша машина,
Сандиқлар тўла кийим.
Гадо келса, ҳайдайсан,
Эҳсон қилмай бир тийин.

Берилма кўп дунёга,
Бориға қил қаноат.
Охиратингни ўйла,
Қилгин тоат-ибодат.

Саид Вали дер, билсанг,
Бойлик қўлнинг киридир.
Бу дунё бир имтиҳон,
Аллоҳнинг тақдиридир.

Сайдували ТОЖИБОЕВ,
Зомин тумани

Масжид қурдириш, жомега юриб келиш ҳақида

(Ҳазрат) Усмон ибн Аффон розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: **“Кимки Аллоҳ учун бир масжид бино этса, Аллоҳ унинг учун жаннатда шунга ўхшаш (бир қаср) бино қилгайдир”**, деганларини эшитдим».

Бу бобда Абу Бакр, Умар, Али, Абдуллоҳ ибн Амр, Анас, Ибн Аббос, Ойша, Умму Ҳабиба, Абу Зарр, Амр ибн Абса, Васийла ибн Асқо, Абу Ҳурайра ва Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхумдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Исо деди: “Ҳазрат Усмоннинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ”.

Маҳмуд ибн Лабид Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан кўришган. Маҳмуд ибн Робий ҳам Набий соллаллоху алайҳи ва салламни кўрган. Икковлари ҳам мадиналик бўлиб, ёш бола эдилар.

Масжидга оҳиста юриб келмоқ

Ҳазрат Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Намозга такбири иқомат айтилаётган**

бўлса, юзуриб-ҳовлиқиб келмангизлар, лекин вазминлик билан оҳиста юриб келингизлар. Етган жойингиздан (жамоатга қўшилиб) ўқий-веринглар, етолмаганингизни тўлдириб ўқиб олингизлар”».

Бу бобда Абу Қатода, Убай ибн Каъб, Абу Саид, Зайд ибн Собит, Жобир ва Анас розияллоху анхумдан ҳадис ривоят қилинган.

Бу масалада илм аҳли ихтилоф қилдилар. Айримлари биринчи такбирни бой бермоқдан кўрқса, шошилсин, деган фикрга эга бўлишган. Ҳатто баъзиларидан намозга чопиб боргани ривоят қилинади. Айримлари эса жадал юрмоқни макруҳ деб қараган, сокинлик ва виқор билан юрмоқни ихтиёр этган.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу: “Амал Абу Ҳурайранинг ҳадиси асосидадир”. Исҳоқ айтиши вақтда бундай дейди: “Биринчи такбирни бой беришдан кўрқса, жадал юрмоқлигида зарар йўқ”.

Изоҳ. Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг бу ҳадиси Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқалар томонидан бир қанча вазҳлардан ва фарқли лафзлар билан ривоят қилинган. Имом билан бирга такбирга улгурмоқ учун ёки рукуда имомга

етиб олиб, бир ракатга эришмоқ учун юзуриб келадиганлар бўлар эди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам уларга виқор ва вазминлик билан юриб келишни амр қилдилар.

“Сунани Термизий” асаридан олинди.
Таржима ва изоҳлар муаллифи
Мирзо КЕНЖАБЕК



Ислом сабоқлари

Улар бошимизнинг тожидир

(Иккинчи мақола)

Ўзгалар ҳақида ёмон сўз айтмаслик мўминнинг ифати ва гўзал хулқининг асосидир. Зеро, **«Аллоҳ ёмонликни сўз билан ошкора айтишни суймайди. Зулм қилинган (жабрланган) киши бундан мустасно. Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир»** (Нисо сураси, 148-оят), **«Эй мўминлар! Кўп гумон(лар)дан четланингиз! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир. (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан кўрқингиз!...»** (Ҳужурот сураси, 12-оят).

Набий алайҳиссалом: “(Комил) мўмин инсонларнинг камчиликларини ошкор қиладиган, лаънатладиган ва бошқаларни ёмонлаб, беадаблик қиладиган киши бўлмайди”, деганлар (Имом Термизий ривояти).

Анас ибн Молик розияллоху анху айтади: “Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам ҳеч қачон

бировни лаънатламаганлар ва у зотнинг оғизларидан ноҳуш ва фаҳш сўзлар чиқмаган” (Имом Бухорий ривояти).

Муслмон киши ҳақида ноҳақдан ёмон сўз айтиш – сўкиш, қарғаш умматнинг ижмоига биноан ҳаром (Яҳё ибн Шараф Нававий, “Шарҳи Муслим”).

Бундай ишлар улкан гуноҳлардан бўлиб, инсон бу феъли туфайли фосиқ бўлиб қолади, гувоҳлиги ҳам қабул қилинмайди (Ҳаскафий, “Дуррул Муҳтор шарҳи Танвирул абсор”).

Ҳадиси шарифда: **“Муслмон кишини ҳақорат қилиш, у ҳақда ёмон гапларни гапириш – фосиқлик...”** дейилган (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Буларнинг барчаси умумлашган ҳолда муслмон кишига нисбатан ҳақорат ва таънанинг ёмонлигини кўрсатади. Башарти, лаънат ва туҳматнинг нишон саҳобалар бўлса, вазият янада оғирлашади. Шу боис ушбу масалалар фақиҳлар томонидан

алоҳида зикр қилинган ва фикҳ китобларида “сабби саҳоба” тусунчаси остида саҳобалар ҳақида айтилган ҳар хил ёмон таърифлар ҳукмларига батафсил тўхталиб ўтилган.

Аввало, “сабб” ва “саҳоба” сўзлари нимани англатишини янада тўлароқ аниқлаб олиш мазкур мавзудаги ҳукмларни тўғри тушуниш имконини беради.

“Сабб” калимаси луғатда “(бир нарсани) кесиш”, “шатм” эса (лаънатлаш, ерга уриш, камситиш) маъносида келади. Бу сўзнинг маъно чегараси билан боғлиқ муҳим бир жиҳат шуки, “шатм”, яъни давлат раҳбари шаънига айтилган барча ёмон сўзларни ва танқидий ибораларни ҳам ўз ичига олади.

Саҳобалар ҳақида ўринсиз гапларни сўзлаш уларнинг шаънига мутлақо зид бўлган ҳолатдир ва бундай сўз аytувчи кимса гуноҳкор бўлади.

Дамин ЖУМАҚУЛ таржимаси

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Дўхтирлар айтишича, мен ўрнимдан туришим, ўтиришим мумкин эмас экан. Менга гусл вожиб бўлиб қолса, таяммум қилсам бўладими?

ЖАВОБ: Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Агар бемор бўлсаларингиз ёки сафарда бўлсаларингиз ё бирорталарингиз қазои ҳолатдан келса ёки аёлларга яқинлик қилса-ю, сув топа олмасаларингиз, покиза тупроқ билан таяммум қилинглар”** (Нисо сураси, 43-оят).

Демак, касал киши учун таҳорат ёки гусл қилиш мумкин бўлмаса, яъни, бирор аззоси талафот кўриши, касаллиги кучайиши, тузалишининг ортга сурилиш хавфи бўлса, таяммум қилиши жоиз.

Таяммум қилмоқчи бўлган одам енгини тирсакларидан юқоригача шимаради. Покланишни ният қилиб, икки қўлини тупроққа ёки ер жинсидан бўлган нарсага уриб, юзига суртади. Икки қўлини иккинчи марта уриб, аввал чап қўлининг кафти билан ўнг қўлини тирсаклари билан қўшиб масҳ қилади. Кейин ўнг қўлининг кафти ва чап қўлини тирсаклари билан қўшиб масҳ тортади. Шу таяммум бўлади.

САВОЛ: Тик туриб ва юриб кетаётиб Қуръон ўқиш мумкинми?

ЖАВОБ: Қуръони каримни тик туриб ё юриб кетаётиб, бошқа нарсага чалғимай, ўқишнинг зарари йўқ. “Хошиятут Таҳтовий” китобида бундай дейилган: “Юриб кетаётган ё ишлаб турган кишининг тиловат қилиши агар иши ё юриши Қуръондан чалғитмаса, жоиз, акс ҳолда, жоиз эмас. Қуръони карим хурматига муносиб ҳолатда ўқиш афзалдир. Мусҳафга қараб қироат қилиш ёддан ўқишдан кўра афзалдир. Чунки Мусҳафга қараб ўқишда икки ибодат (Мусҳафга назар қилиш ва уни тиловат қилиш) бор”.

5-бетда

Ҳар куни саҳарлаб уйғонаман-да, тегирмонхонага бораман. Кеч қолсам, одамлар кутиб қолишади. Тегирмоним қишлоқ чеккасидаги сув йўналишига қурилган. Агар қишда сув музлаб қолмаса, тўхтовсиз ишлайверади. Гоҳо зоғора нон учун ҳам ун чиқариб бераман. Бу касб менга бобомдан мерос. Отамнинг ёнида юриб тегирмончиликни пухта ўрганганман. Ҳалоллигим боис кўшни қишлоқлардан ҳам ғалла торттиргани келишади.

Кунларнинг бирида бир аёл ярим қоп буғдой олиб келди. Аёлнинг вақти тиғизлигини сезиб, буғдойини тегирмонга навбатсиз солдим. У боласини аравачасидаги тўшак устига ўтиргизиб, кута бошлади. Иш билан андармон бўлиб юрганимда тегирмонхонага кўзлари бежо таниш йигит кириб келди. У аравачадаги боланинг олдида бориб, уни ўйната бошлади. Бирдан кўздан ғойиб бўлиб қолди.

Униси қопга солиб берганимдан сўнг, аёл тегирмон ҳақини тўлаш учун аравачадаги тўшакнинг тагини титкилай бошлади.

— Вой ўлмасам, пулим йўқ. Мана шу тўшакча тагига қўйиб қўйгандим, — деди аёл йиғлағудек бўлиб.

Аёлни юпатар эканман, боя болани ўйнатган йигитни эсладим. Унинг қаерда яшашини яхши билардим. Аёлни жўнатиб юборгач, ўша йигитни қидириб топдим. Уйдан судраб олиб чиқдим ва:

Адолат тарозиси

— Ноинсоф, бечораҳол аёлнинг ҳам пулини ўғирлайсанми? Қани, милисага юр-чи, — деб судрай бошладим. Йигит тихирлик қилиб, пулни олманини айтиб, боришни хоҳламаса-да, уни маҳалла нозирининг хонасига олиб келдим.

— Ия, бу эски таниш-ку. Яна ўғрилиқ қилдими? — деб сўради нозир. У йигитни хонага киритгач, менга юзланди:

— Ака, бор гапни ёзиб берсангиз, аризангиз асосида унга жазо қўллаймиз. Балки уч-тўрт йил “дам олиб” келар.

Қоида бўйича ўғри йигитнинг чўнтакларидagi бор буюмлар чиқартирилди. Лекин аёлдан ўғирланган пуллар йўқ эди. Хижолат бўлдим. Наҳотки тўхматчи бўлиб қолсам.

Нозир йигитни шошмасдан текшириб чиқди ва деди:

— Қани, айт-чи, пулни қаерга яширддинг?

— Мен пул ўғирлаганим йўқ, — деди йигит кўзларини олиб қочиб.

— Нега тегирмонга кирдинг унда? Аравачада ўтирган болача-ни ўйнатгансан. Бола ўтирган тўшакча остида эса пул бўлган. Пуллар йўқ... Хўп, майли, сени бу сафар кечиримиз мумкин. Фақат бир шарт билан — ўғирлаган пулингни ҳозир топиб берасан...

— Ростданми? Гапингиз гапми, командир?

— Ҳозироқ қайтарсанг, ҳа.

Бу гапни эшитган йигит ўтирган стулидан сал энгашиб, оёғи остидаги гиламнинг бир учини қайирди ва унинг остига ташлаб, туфлиси билан босиб ўтирган пулларни олиб берди.

— Қойил-э, — деб юборди нозир. — Қандай уддаладинг буни?..

Мен ҳам ҳайрону лол бўлиб ўтирдим.

— Уддаладинг-да, — деди ўғри йигит бошини қашлаб. — Сизлар гап билан овора бўлиб турганингизда билдирмасдан чўнтагимдаги пулларни шу ерга ташлаб қўйгандим...

Нозир сўзига биноан йигитни қўйиб юборди.

— Ўзинг ёмон боламассан-у, аммо энди ўғрилиқ қилсанг, кечирмайман, — деб писанда қилди. Менга эса аёлнинг ўғирланган пулларини қайтариб берди.

Тўғри ҳалиги аёлнинг уйига бордим. Тегирмон ҳақини олиб қолиб, қолган пулларини кўлига тутқаздим.

Тегирмонга қайтсам, ўғри йигит тагин тегирмонхона эшиги олдида турибди.

— Нега келдинг? Менда ишинг борми? — дедим бироз дағал оҳангда.

Йигит бошини қашлаб, бир қўли билан ортига яшириб турган буюмни менга кўрсатди. Қарасам, ярим соат олдин нозирнинг

столи устида турган, қўлида тарози кўтарган, кўзи боғланган аёл ҳайкалчаси ўғрининг кўлида турибди.

— Буни қаердан олдинг? — деб сўрадим.

— Одатим курсин, ўғирланган пулларни қайтариб бергач, шу ҳайкалча кўзимга чиройли кўринди, билдирмай ўмариб қўйдим... Энди ўйласам, жудаям номақбул иш қилибман. Иложи бўлса, ҳайкалчани нозирга бериб қўйсангиз... Ўзим олиб борсам, қамаб қўяди...

Уни ичкарига киргизиб, обдон суҳбатлашдим. Адолат тарозиси мана бу ҳайкалча ё қайсидир ташқаридаги нарсалар эмас, балки инсоннинг ичида бўлишини, у виждон, деб аталишини, ҳозир йигитни бу ерга бошлаб келган ҳам ўша виждон бўлиб, уни йўқотиш нафақат бутун инсониятни, балки, аввало, ўздан айрилиш эканини, адолат тарозиси, яъни виждони бўлмаган одам инсон саналмаслигини тушунтирдим. Жим ўтириб эшитди. Ёмон йигитга ўхшамади. “Иш йўқлигидан ўғрилиққа ўрганиб қолдим”, деди. Менга шогирд бўлишни таклиф қилдим.

— Жон деб ишлайман, амаки. Ўғрилиқ ҳаромлигини билдим... — деб юборди.

Шу воқеага ҳам анча бўлди. Ўша йигит ишлаб, ҳалол меҳнатнинг нони ширин бўлишини англаб етди.

Фазлиддин АБДУНАЗАРОВ,
Қува тумани

Яшил макон

Диёримизга куз келиши билан миришкор деҳқон ва боғбонларимиз кўчат экишга киришиб кетдилар. Боиси, кузада ерга қадалган ниҳол тез илдиз отиб, баҳорда яхши унади.

Анас ибн Молик розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Агар бир мусулмон банда кўчат ўтқазса ёки экин экса, ундан қушми, инсонми ёки ҳайвонми еса, бунинг учун унга садақа (қилганлик савоби) бўлади”** (Имом Муслим ривояти).

Кўчат экиш улуг амал бўлиб, бу хайрли ишни қилган тириклигида ҳам, вафотидан кейин ҳам манфатлар келиб туради.

Қуръони каримда Ер юзини обод қилиш инсонлар зиммасидаги вазифа эканлиги марҳамат қилинади. Жумладан: **“У сизларни ердан пайдо қилди ва унга сизни обод қилиш учун жойлаштирди”** (Худ сураси, 61-оят).

Демак, атроф-муҳит мусаффолиги йўлида ҳар бир киши масъулиятли бўлмоғи лозим. Ана шунда она заминимиз янада обод ва фарвон бўлади.

Кўчат кўкарса, ажр кўпаяди

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳаси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Яъни, юртимиз бўйлаб ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатлари экилиб, яшиллик миқёсини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш мақсади қатъий белгилаб олинган.

Энг муҳими, ушбу тадбирларда диний соҳа вакиллари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Ўтган йили диний идора ходимлари томонидан кўп қаватли уйлар, ҳовлилар, қабристон ва зиёратгоҳлар ҳамда болалар майдончалари атрофига 26 919 туб манзарали ва мевали


дарахт кўчатлари ўтказилди. Жойлардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бор шахслар хонадонлари ҳашар йўли билан обод қилинди, дарахт ниҳоллари экиб берилди. Энг муҳими, ушбу дарахтларга алоҳида ходимлар бириктирилди.

Кузги мавсумда ҳам Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг ҳудудлардаги вакилликлари ходимлари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига ҳисса қўшишга киришдилар. Қарийб 30 мингга яқин кўчат келтирилиб, маҳаллардаги кўча бўйлари, зиёратгоҳлар атрофи ва бошқа ҳудудларга экилади.

Таъкидлаш керак, юртдошларимизнинг экологик маданиятини юксалтириш, табиатга етказилаётган зарарларнинг олдини олиш мақсадида диний соҳа вакиллари томонидан маҳаллалар, таълим муассасаларида учрашувлар ўтказилляпти, масжидларда эса маъвизалар қилишяпти.

Амалга оширилаётган бу саъй-ҳаракатлар гўзал табиатимизни ўз ҳолича сақлаб қолиш ва одамлар саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган.

Алимардон ОРТИҚОВ,
Бахмал туманидаги “Намозгоҳ” жоме масжиди имом-хатиби



“Агар сўзида турса...”

Анас розияллоху анхундан ривоят қилинди; у киши айтди: «Бизлар Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бўлатуриб, кошки бир ақлли аъробий (бадавий) келса (сўз) бошлаб, у зотдан (бирор) савол сўраса, деб орзу қилар эдик. Шундай ҳолатда турган пайтимизда бир аъробий келдию ҳузурларида тиз чўкиб ўтирди. (Сўнг) деди: “Ё Муҳаммад! Сизнинг жўнатган элчингиз бизларга келиб айтдики, сиз Аллоҳ томонидан юборилдим, деб айтар экансиз?..” Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Шундоқ**”, дедилар. Аъробий деди: “Омонларни юксак кўтариб қўйган, ерни текис ёйиб қўйган, тоғларни тиклаб қўйган Зот ҳаққи, айтинг, сизни Аллоҳ юбордими?” Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Шундоқ**”, дедилар. Аъробий айтди: “Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз зиммамизга бир кеча-кундузда беш вақт намоз фарз қилинди, деб айтар экансиз”. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Шундоқ**”, дедилар. У деди: “Сизни юборган Зот ҳаққи, айтинг,

буни сизга Аллоҳ буюрдими?” (Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Шундоқ**”, дедилар). Аъробий айтди: “Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз зиммамизга йилда бир ой рўза тутмоқлик фарз қилинди, деб айтар экансиз?..” Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Рост айтибди**”, дедилар. У деди: “Сизни юборган Зот ҳаққи, айтинг, буни сизга Аллоҳ буюрдими?” Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Шундоқ**”, дедилар. Аъробий айтди: “Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз молларимиздан закот бермоқлик зиммамизга қўйилди, деб айтар экансиз?..” Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Рост айтибди**”, дедилар. У деди: “Сизни юборган Зот ҳаққи, айтинг, буни сизга Аллоҳ буюрдими?” Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Шундоқ**”, дедилар. Аъробий айтди: “Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз, йўлга кучи етганлар зиммасига Байтуллоҳни ҳаж қилмоқлик фарз қилинди, дер экансиз?” Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Шундоқ**”, дедилар. У деди: “Сизни юборган Зот ҳаққи, айтинг, буни сизга Аллоҳ буюрдими?” У

зот: “**Шундоқ**”, дедилар. Шунда аъробий айтди: “Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, булардан бирор нарсани кам ҳам қилмайман, бирор нарсани ортиқ ҳам қилмайман”. Кейин сакраб турди... (Сўнг) Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Аъробий ўз сўзида турса, албатта жаннатга киради**”, — дедилар».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Анас орқали Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан бошқа жиҳатдан ҳам ривоят қилинган.

Муҳаммад ибн Исмоил (Бухорий)дан эшитдим, у айтади: «Баъзи муҳаддислар (маълумотни) олим кишига ўқиб, арз этмоғи (худди) ундан эшитмоғи каби жоиз, деб айтишди». Аъробийнинг Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламга қилган арзини ва Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам унинг арзини иқдор қилганларини (бунга) далил қилиб кўрсатишади.

“Сунани Термизий” асаридан олинди.

Таржима ва изоҳлар муаллифи

Мирзо КЕНЖАБЕК

Газетхон кечинмалари

Ҳар ишда ҳикмат бор

Ёшим тўқсон бирда. Қирқ беш йилдан зиёд қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилдим. Ҳозир фарзандларимга деҳқончилик сирларидан сабоқ бериб, уларга бош-қош бўлиб келаман.

Дарқове, уйда оилавий кутубхонамиз бор. Ундан минглаб сара китоблар ўрин олган. Ҳар куни китоб ўқийман. Фарзандларим, набираларимни мутолаага ундайман. Ахир китоб ўқийдиган одам маънан соғлом, теран фикрли бўлади.

Кутубхонамизда гезата-журналлар ҳам талайгина. “Ислом нури” газетаси, “Ҳидоят” ва “Мўминалар” журнали оиламизнинг севимли наشريга айланган. Уларнинг янги сонларини интиқлик билан кутамиз. Яқинда бир ҳаяжонли воқеа юз берди. “Ҳидоят” журналининг эски, 2012 йил 3-сонини варақлаб, “Экинларни ким ўстиради?” сарлавҳали мақолага дуч келдим. Уни ўқиб, кўп йиллар олдинги воқеалар хотирамни чулғаб олди...

1974-1975 йиллар эди. Эрта баҳорда акам билан “Бўстон бобо” чўлида қовун-тарвуз эдик. Атрофимизда бошқа деҳқонлар ҳам кўп эди. Ҳаммамизнинг экинларимиз ривож олиб, кўрган

кишининг баҳри-дилини очадиган бўлиб қолди. Июль ойи бошларида тўсатдан экинларимизга зараркунанда тушди. Шунча ҳаракатларимизга қарамай, қисқа фурсатда экинларимизни еб битирди. Бошимизни чангаллаб қолавердик.

Уйга келиб бўлган воқеани онам ва бувимга сўзладик. “Аллоҳнинг ҳар ишида ҳикмат бор. Бунинг учун кўнгилни чўқтирманг. Ибодатларга маҳкам бўлинг, ҳаммаси яхши бўлади”, деди. Биз киши билан Аллоҳдан ишимизга барор, барака сўраб чиқдик.

Кўклам келиши билан яна чўл ораладик. Не тонгки, ўтган йилги майдон ўрнидан қовун-тарвуз ниҳоллари шу қадар равон унганки, гўёки биров эккандек. Ёввойи ўтлар ҳам сероб эди...

Палакни бегона ўтлардан тозалаб, ўғитлар бердик. Аллоҳ таолодан экинларимизни баракали қилишини, турли офатлардан сақлашини сўраб дуолар қилдик. Ҳа, ишимиз чиндан ҳам ривож олиб, қовун-тарвузларимиз кун сайин етила бошлади. Полизни кўриб, дилимиз яйрайди ва янада кўпроқ меҳнат қилгимиз келади.

Шу йили ҳосил эрта пишди.

Биринчилардан бўлиб “Бувайда” деҳқон бозорини маҳсулотларимиз билан обод қилдик. Атрофдаги деҳқонлар ва кексаларни дала бошига таклиф қилиб “қовун сайли” уюштирдик. Нурунийлар хайрли дуолар қилишди. Ҳосилимиз шу қадар баракали бўлдики, ҳатто элу юртга тарқатиб ҳам тугатолмадик.

Воқеа сураси, 63–67-оятларида бундай дейилади: «**Сизлар экансиз зироатларингизни (ўйлаб) кўрдингизми?! Уни сизлар ундирувчиси! Биз ундирувчиси! Агар Биз хоҳласак, уни (офат юбориб) қуруқ чўп қилиб қўйган бўлур эдик, сизлар эса ажабланиб қолаверар (ва айтар) эдингиз: “Бизлар зиён кўрувчилармиз. Балки бизлар (ризиқимиздан) маҳрумдирмиз”** (деб на доматда қолган бўлур эдингиз)».

Албатта, деҳқончиликнинг ҳам ўзига хос ҳикматлари бор. Буни асл миришкорлар жуда яхши билишади. Астойдил меҳнат қилиб, Аллоҳдан қут-барака сўраб, юқоридаги оятнинг мағзини чаққан деҳқон ҳеч қачон кам бўлмайди.

Абдуқайом КЕНЖАЕВ,
Учкўприк тумани

Масала

3-бетда

САВОЛ: Ҳайвон терисидан тикилган жойнамозда намоз ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Чўққадан бошқа ҳар қандай ҳайвоннинг териси ошлаш билан пок бўлади. Ошланган теридан жойнамоз сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, шариатга мувофиқ сўйилган ҳайвон териси ошланмаса ҳам, тоза бўлади. “Мухтасарул виқоя” китобида бундай дейилган: “Одам ва чўққанинг терисидан бошқа ҳамма терилар ошланиш билан пок бўлади. Териси ошлаш билан пок бўладиган ҳайвоннинг териси шаръий сўйиш билан ҳам пок бўлади”.

САВОЛ: Бир одамнинг тижоратдаги пули нисобга етмайди. Унинг яйловда юрадиган 25 бош қўйи ҳам бор. У одам қўйларини баҳолаб тижоратдаги пулига қўшиб закот чиқарадими ёки пулининг ўзи ва қўйларининг ўзи нисобга етмагани учун закот бермайдими?

ЖАВОБ: Закот чиқаришда фақат тилла, кумуш, нақд пул ва тижорат моллари (баҳолаб) бир-бирига қўшилади ва умумий йиғиндидан закот чиқарилади.

Аммо нақд пулга ёки тилла-кумушга чорва ҳайвонлари, бир тур чорва ҳайвонларига бошқа тури қўшилмайди. Масалан, кишининг яйловда 25 бош қўйи ва 20 бош сигири бўлса, уларни қўшиб закот чиқармайди. “Мажмаъул анхур” китобида бундай дейилган: “Билингки, (закотда) туя, сигир ва қўй каби жинси турлича бўлган яйловда юрган чорва ҳайвонлари бир-бирига қўшилмайди. Бунга уламолар ижмо қилишган”.

Лекин чорва ҳайвонларини тижорат мақсадида боқаётган бўлса, у ҳайвонлар тижорат молига айланади ва закотни ҳисоблашда уларнинг баҳоси тилла-кумуш ва нақд пулларга қўшилади.

САВОЛ: Усталар билан уйимни тўрт-беш кунда кумсувоқ қилиб беришларини келишдик. Олдиндан озроқ пул ҳам берилди. Лекин усталар турли сабаблар билан ишни чўзиб юборишди. 8 кун ўтиб, усталарга яна 3 кун муҳлат бердим ва: “Агар иш битмаса, пул берилмайди”, деб огоҳлантирдим. Айтилган муддатда ишни бажаришмади. Бу ҳолатда нима қилишим керак?

6-бетда

Масала

5-бетда

САВОЛ: Биз умрада асрдан кейин тавоф қилишни бошладик. Асрдан кейин нафл намоз ўқиш макруҳ бўлгани учун шомгача тавофни давом эттирдик ва шомдан кейин тавоф намозини ўқиб, кейин саъй қилдик. Шу ишимиз тўғрими?

ЖАВОБ: Аслида, Тавоф намозини тавофдан кейинок ўқиш — суннат. Тавоф намозини кечиктириш, тавофларни намозсиз жамлаш — макруҳ. Лекин нафл намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтлар бундан мустасно. Бундай пайтларда кетма-кет бир неча тавофни намозсиз жамлаш мумкин. Макруҳ вақт чиққач, ҳар бир тавоф учун икки ракатдан намоз ўқиб қўяди. “Ғунятун носик” китобида шундай дейилган.

7-бетда

Фирибгарга шерик бўлмай

десангиз...

Ижтимоий тармоқларда эълон қилинадиган хайрия ёрдамларга ҳисса қўшмоқчи бўлсангиз, олдин қуйидагиларга аниқлик киритиб олинг:

— эълонни жойлаштирганлар ёрдам сўраётган бемор ёки муҳтож одамни яхши биладимиз-йўқми?

— қидирув тизимига эълонда кўрсатилган телефон ёки карта рақамини киритинг. Агар у фирибгарлардан бўлса, бошқа фойдаланувчилар у ҳақда форумларда постлар ёзган бўлади;

— эълонда кўрсатилган бемор ёки муҳтож одамнинг суратини “Google” қидирув тизимидаги “сурат бўйича қидириш” функцияси орқали қидиринг. Агар излаётган суратингиз “Муроджон ёрдамга муҳтож!” “Кичкинтой Умиднинг ҳаётини сақлаб қолайлик!” ёки “Беҳзодга кўмак!” каби турли номлар билан чоп этилган бўлса, демак, бу эълонлар фирибгарларга тегишли.

Агар сиз ана шундай фирибгар-

ларнинг эълонларига дуч келсангиз, бошқаларни ҳам бу ҳақда огоҳлантиринг. Бунинг учун асосий саҳифада ё форумларда эълоннинг ёлгон экани ҳақида изоҳ қолдиришингиз, уни тарқатаётган канал ёки фойдаланувчиларнинг саҳифасига кириб, огоҳлантиришингиз ва ёлгон маълумотни ўчириб ташлашини сўрашингиз мумкин.

Ёдда тутинг, агар сиз текшириб кўрмай, ана шундай ёлгон хабар ё эълонни тарқатсангиз, ўзингиз ҳам бу фирибгарликда шерик бўласиз. Сиз бу билан нафақат ўз обрўйингизни, балки одамларнинг хайрия фондларига, беғараз ва кўнгилли ёрдамларга бўлган ишончини ҳам йўқотишингиз мумкин. Энг ёмони, ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож кишилар ёрдамсиз қолишидир.

Изн сўраш шарт

Ҳозирги пайтда ҳар қандай ҳара-

катимиз қайд этилиши ва “ошкор қилиниши” мумкин. Биз ҳар доим буни хоҳламаймиз. Шунинг учун бирор кишини суратга ёки видеога олмоқчи бўлсангиз, аввал ундан рухсат сўрашингиз шарт. Чунки ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз бировни суратга ё видеога олиш ёки овозини ёзиб олиш тақиқланади. Бу ишни нима мақсадда қилмоқчилигингиз ҳақида ҳам хабар беринг. У сиз кўрсатган сабабга қараб, ё рози бўлиши ёки рад этиши мумкин. Рухсат бермаган тақдирда ҳам сиз унинг фикрини ҳурмат қилишингиз лозим. Чунки бу — унинг ҳаққи.

Бу ҳукм телефонларда қўнғирокларни ёзиб олиш ҳолатига ҳам тегишли. Сухбатдошингизнинг изнисиз суҳбатни ёзиб олишга ҳаққингиз йўқ.

Қибрай тумани

“Ҳожи Туроб ўғли Ҳожи Абдуллоҳ”

жоме масжиди имом-хатиби

Баҳодир АҲМАДЖОНОВ тайёрлади.

Саҳобалар ҳаёти

Абу Райҳона розияллоху анху илмга муҳаббатли, обидлиги, тақвоси билан танилган иймон соҳиби...
Суффа аҳлига қўшилиб Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан илму ирфон олган, уни тарқатиш иштиёқида ёнган...
Асл исми Шамъун ибн Язид бўлиб, “Абу Райҳона” куняси билан танилган. Унинг қаерда ва қандай мусулмон бўлгани ҳақида турли ривоятлар бор. Фақат Ислom динини Мадинада қабул қилгани аниқ.

Абу Райҳона розияллоху анху Масжиди Набавий ёнида ташкил этилган суффада қолиб, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламдан ҳеч айрилмай, илм ўрганган, биргаликда жангларда қатнашган. Ундан ривоят қилинган беш ҳадис саҳиҳ тўпламларидан жой олган.

Абу Райҳона розияллоху анху Куръони каримни тиловат қилишни жуда яхши кўрарди. Бироқ жуда қийналиб ўқирди. Қийналса ҳам, тиловат қилишдан тўхтамасди. Тилидаги бир касаллик сабабли истаганидек кўп ўқиёлмасди.

Бир куни Расули акрам алайҳиссаломга бу ҳолдан шикоят қилди:
— Ё Расулulloҳ! Куръони каримни кўп тиловат қилишни хоҳлайман, фақат қийналяпман. Шунда Расулulloҳ алайҳиссалом унга буюрдилар: **“Эй Абу Райҳона! Кучинг етмаган нарсаларга ўзингни масъул ҳис этма! Сажда қилишда давом эт!”**

Абу Райҳона розияллоху анху жанг майдонларида қаҳрамонларча олишар, тинчлик пайтларида эса ибодат ва зикрда, тафаккурда бардавом бўлар эди. Ҳатто намоз ўқиётганида бутун дунёни унутарди.

Тунлари бедор бўлар, қиёмда узун сураларни тиловат қиларди. Ибн Муборак ўзининг “Зухд” китобида унинг бу ҳолатини баён қилди: “У бир жангдан қайтди, тунда уйига кирди. Таомланиб таҳорат олгач, намозга турди. Узун замсура қилиб, намоз ўқиди. Бир сура-ни тугатиб, яна бирини бошлади. Шу ҳолда хушу ва хузу билан намоз ўқиди. Фақат азон чақирилганидагина тонг отганини англади. Бомдод намозини ўқиб бўлиб, завжасининг ёнига борди.

Аёли унинг бу ҳолидан ҳайратга тушиб сўради: “Эй Абу Райҳона! Жангдан қайтдингиз, ҳорғинсиз! Сизда ҳеч ҳаққим, ҳурматим йўқми?”

Абу Райҳона розияллоху анху самимий бир жавоб қайтарди: “Албатта, ҳаққинг бор, ҳурматинг



ҳам чексиз. Фақат ишонтириб айтаманки, ҳеч ёдимга тушмадинг. Ёдимга тушсанг, бундай йўл тутмасдим”. Ҳайрон бўлган аёли яна савол берди: “Ақлингизни бу даражада нима эгаллаб олди?!” Абу Райҳона розияллоху анху эса кўнглида жўш урган туйғуларини бундай тушунтирди: «Намоз бошлагач, ўқиган сураларимдаги жаннат тасвирлари, у ердаги неъматлар, лаззатлар мени жаннатга “элтди”. Бомдод намозига азон чақирилгунича бу ҳол шундай давом этди».

Абу Райҳона розияллоху анху Расулulloҳ алайҳиссалом билан биргаликда жуда кўп жангларда қатнашди.

Абу Райҳона ҳазрат Умар розияллоху анху даврида Дамашқ фатҳида қатнашди. Бир муддат ўша ерда яшади. Кейинроқ эса Байтул Макдисга бориб жойлашди.

Қуддусда яшаган пайтда доимо ваъз ўқиб, инсонларга динни ўргатди. Ҳаёти давомида тақво билан яшади. Миср фатҳида ҳам иштирок этди.

Абу Райҳона розияллоху анху янги ва чиройли кийим кийишни яхши кўрарди. Бир куни Расулulloҳ алайҳиссаломнинг: **“Кимки кибр билан кийимларини ерга судраб юрса, Аллоҳ унинг юзига қарамайди”**, (Имом Бухорий ва имом Молик ривояти) деганларини эшитди.

Абу Райҳона розияллоху анху буни эшитиб, бир жойда тура олмай қолди: “Ё Расулulloҳ! Худо ҳаққи, мен чиройли кийимини яхши кўраман. Бу ҳам кибрми?” — деб сўради. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам бундай жавоб бердилар: **“Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради. Бандасига мол-дунё берса, унинг асарини устида кўришни истайди”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Абу Райҳона розияллоху анху ҳаётининг сўнгги йилларини Қуддусда ўтказди. Ўша ерда вафот этди.

Манбалар асосида

Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.

“Ижтиҳод” сўзи луғатда бирор иш-ҳаракатни бажаришда бутун куч-ғайратни сарф қилишга ай-тилади. У фақат куч талаб қили-надиган ишларгагина қўллан-ган. Масалан, тошни кўтариш-га ижтиҳод қилдим (уриндим), дейиш мумкин. Аммо кум зар-расини кўтаришга ижтиҳод қил-дим (уриндим), дейиш мутлақо тўғри эмас. Шариат уламолари “ижтиҳод” сўзини, асосан, ҳуж-жат саналмиш Китоб ва суннат-дан шаръий ҳукмларни истин-бот қилиб олишда бор илмини сафарбар қилиш маъносида қўл-лашган. Бу сафарбарлик куйида-ги кўринишларда бўлади:

1) ҳужжатнинг зоҳирий да-лолатига қараб ҳукм чиқариш; 2) ҳужжатнинг ақлий далолати-га қараб ҳукм чиқариш; 3) воқе-ликни Китоб ва суннатдан олин-ган умумий қоидаларга солишти-риш орқали ҳукм чиқариш.

Шариатимиз асоси Куръон ва ҳадис бўлишига қарамай, зарур ўринларда Расулуллоҳ соллал-лоҳу алайҳи ва салламга ижти-ҳод қилиш учун рухсат берилган. Масалан, у зот: **“Агар мен умма-тимга машаққат қилиб қўймасам эди, уларга ҳар бир намоздан олдин мисвок тутишни буюрган бўлар эдим”, “(Эй Ойша,) агар сенинг қавминг куфр ботқоғидан яқин-да чиққан бўлмаганида, мен Каъ-бани Иброҳим алайҳиссаломнинг**

Табаррук қадамжолар

Шайх Қусам ота зиёратгоҳи

Косон туманининг Пудина қишлоғида машҳур Шайх Ку-сам ота зиёратгоҳи жойлашган.

Ибн Муҳаммад Қусам XII аср охири XIV аср ўрталарида яшаб ўтган. У буюк шайхлардан бири бўлган. Қусам отанинг умри Пу-дина қишлоғида ўтади. Ушбу қишлоқ жуда қадимий бўлиб, Қарши шаҳридан 19 километр узоқликда жойлашган.

Қусам ота яшаб ўтган давр-ларда Пудина диний ва дунёвий илмларни тарғиб қиладиган жой сифатида танилади. Бу ерга тур-ли ҳудудлардан илм талабидаги ёшлар йиғилади. Бу пайтларда

пойдевори устига янгидан бино қилган бўлар эдим”, деганлар.

Агар у зот ижтиҳодда хато қилсалар, дарҳол Аллоҳ таоло огоҳлантирар эди: **“Эй Пайғам-бар! Нега хотинларингиз рози-лигини истаб, Аллоҳ сиз учун ҳа-лол қилган нарс (асал)ни ҳаром қилиб олурсиз?”** деган (*Таҳрим сураси, 1-оят*).

У зотнинг Бадр жангида асир тушганлар борасида қабул қил-ган ҳукмларига Аллоҳ таоло эъ-тироз билдирган: **«Бирор Пай-ғамбар учун, то Ерда (душман-ларга) зарба бермагунича, асир-ларга эга бўлиш мумкин эмас. (Сиз — мўминлар) дунё матоҳи-ни истайсиз. Аллоҳ эса (сизлар учун) охиратни раво кўради. Ал-лоҳ қудратли ва ҳикматли Зот-дир»** (*Анфол сураси, 67-оят*).

Мунофиқларга Табук жангида қатнашмаслик учун рухсат бер-ганларида ушбу оят нозил бўлган: **«Аллоҳ Сизни афв этди. (Лекин) сизга ростгўйлар аниқланиб, ёлғончиларни билмагунингиз-гача, нега уларга (жангдан қо-лишга) рухсат бердингиз?»** (*Тав-ба сураси, 43-оят*).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-ҳи ва саллам ўз ижтиҳодларида қиёсга ҳам мурожаат қилганлар.

Бир аёл Расулуллоҳ соллал-лоҳу алайҳи ва салламнинг

ҳузурларига келиб, бундай деди: “Ё Расулуллоҳ, онам вафот этган. У тириклигида рўза тутишга назр қилиб, уни адо эта олмаган. Онам номидан рўза тутсам бўладими?” У зот: **“Онанинг зиммасида бировдан қарзи бўлиб, сен уни адо этсанг, зиммасидан соқит бўлармиди?”** деб сўрадилар. Аёл: “Ҳа”, деб жа-воб берди. Шунда у зот: **“Аллоҳ-нинг ҳаққи — адо этилишига ҳақли-роқ”,** дедилар.

Бир кишининг хотини қора рангли бола туғди. У: “Бу бола мендан эмас”, деб туриб олди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-ҳи ва салламга шикоят қилди. У зот: **“Сенинг қизил туянг қора рангли бўталоқ туққанми?”** деб сўрадилар. У: “Ҳа”, деди. **“У қа-ёқдан қора бола туғади, деб ўй-лайсан?”** дедилар у зот. У: “Эҳти-мол, унинг зотида қора рангли туя бўлгандир”, деди. Шунда Ра-сулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эҳтимол, унинг ҳам на-сида қора рангли кишилар бўлган-дир, шунинг учун у аслига тор-тган”,** дедилар.

(Давоми бор)

✍ **Ҳомиджон қори**
ИШМАТБЕКОВнинг “Ислом
фиқҳи асослари” китоби асосида
тайёрланди.

Масала

6-бетда

ЖАВОБ: Аслида ижарада вақт ва бажариладиган ишни жамлаб шартнома қилиш жоиз эмас. “Агар иш билан вақт бирин-чи айтилиб, кейин иш ҳақи ай-тилса, ижара — фосид. Аммо вақт айтилиб, кейин иш ҳақи айтилса, сўнг иш айтилса ёки биринчи иш айтилиб, кейин иш ҳақи айтилса, сўнг вақт айтилса, ижара фосид бўлмайди. Чунки иш ёки вақт-дан қай бири биринчи айтилса, кейин иш ҳақи айтилса, кели-шув тамомига етган ҳисоблана-ди. Ундан кейин вақт белгилан-са, вақт тезроқ қилиб беришни сўраш, иш айтилса, мазкур вақт-да қилинадиган ишни белгилаш ҳисобланади. Шунинг учун кели-шув фосид ҳисобланмайди” (*“Фа-тавоийи Қозихон”*).

Сиз вақт ва ишни қўшиб айт-ганингиз учун ижарангиз, яъни келишувингиз фосид бўлган. Бу ҳолатда уларга бажарган ишла-ри учун пул тўлайсиз. Маҳаллий урфда шу каби хизматга қанча ҳақ тўланса, шунча берасиз. Агар улар бундай тасарруфдан норози бўлиб, пул олишдан бош тор-тишса, сўзининг зоҳирига кўра бу розилик аломати ҳисобла-нади. Сиз у маблағни ўзингиз-да қолдиришингиз ёки бирор муҳтожга бериб юборишингиз мумкин.

✍ **Ўзбекистон мусулмонлари идораси**
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

Истиқлол йилларида зиёрат-гоҳда кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оши-рилмоқда. Обида қайтадан таъ-мирланиб, зиёратчилар учун барча шароитлар яратилаётир. Яқинда тасдиқланган лойиҳага кўра, зиёратгоҳ атрофида меҳ-монхона, кутубхона, нуроний-лар чойхонаси, маҳалла гуза-ри, автомобиллар тўхташ жойи, дўкон, кичик бозорча, ҳаммом, таҳоратхона каби иншоотлар қад ростлайди.

✍ **Жамшид НОРҚОБИЛОВ,**
Қашқадарё вилояти

Мусулмоннинг кўрғони



Уйқуга ётишдан олдин...

“Аъузу би калиматиллааҳит та-аммаати мин ғозобиҳи ва ғиқообиҳи ва шарри ғибаадиҳи ва мин ҳамазаа-тиш шайаатийни ва ан яҳзуруун”.

“Аллоҳнинг тугал калималари ила Унинг ғазабидан, иқобидан, бандалари-нинг ёмонлигидан ва шайтонларнинг васвасаларидан ва уларнинг менга ҳозир

бўлишларидан паноҳ сўрайман” (“Сунан” эгалари ривоят қилишган).

“Аллоҳумма Роббас самааваатис сабъи ва маа азолат ва Роббал аро-зийна ва маа ақоллат, ва Роббаш шайаатийни ва маа азолат. Кун-лий жаарон мин шарри холқиқа кул-лиҳим жамийъан ан яфруто ғалайя аҳад ав ан ябғия ғалайя, ғазза жаару-ка ва жалла санаа`ука ва лаа илааҳа ғойрука ва лаа илааҳа иллаа Ант”.

“Аллоҳим! Эй етти осмон ва улар соясидаги нарсаларнинг ва ерлару улар кўтарган нарсаларнинг ҳамда шай-тонлару улар адаштирганларнинг Раб-би! Менга Ўзингнинг барча махлуқот-ларинг шарридан улардан бирортаси менга ёмонлик ёки душманлик қилмас-лиги учун ҳимоячи бўл! Сенинг ҳимоянг азиздир ва саноинг улуғдир. Ўзингдан ўзга илоҳ йўқ! Сендан ўзга илоҳ йўқ” (*Имом Термизий ривояти*).



“Иброҳим ҳожи” жомеи

Халқ орасида “Дунган масжид” номи билан машҳур бўлган кўп асрлик “Иброҳим ҳожи” жомеи маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда.

Ёғоч меъморчилигининг энг яхши намуналарини ўзида мужассам этган, мих ишлатилмай қурилгани учун Иссиққўл вилоятининг Қорақўл шаҳридаги ушбу масжид “Михсиз” номи билан машҳур. Масжид шаҳарнинг рамзи ва диққатга сазовор жойига айланган. Ташқи ва ички қиёфаси ҳамда тарихийлиги билан ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

1910 йилда хитой меъморчилиги асосида қурилган ва ранг-баранг

бўёқлар билан безалган масжид ўзининг нақшлари ва ёғоч ўймакорлиги билан ғоят мафтункор, Қирғизистон тарихий туризмида муҳим ўрин тутати. Чор Россияси даврида қурилган ушбу масжид Қирғизистон шимолида сақланиб қолган ягона жомеи экани айтилади.

Бир қаватли, бир минорали, 120 ўринли масжиднинг пойдеворини маҳаллий усталар қўйган, ёғоч биносини эса, хитойлик меъмор Чжоу Су бошчилигидаги 20 нафар хунарманд тиклаган. Бу масжид биносининг ўзига хос тарафи — мих ишлатмаганида.

Масжиднинг эшик-деразаларининг устки қисми узум, нок, анор ва шафтоли расмлари билан

безатилган. Томи яшил, устунлари ва шифти сариқ, минораси эса, кўк рангга бўялган. Кейинчалик масжид ёнида квадрат кўринишдаги ёғоч минора тикланган.

“Иброҳим ҳожи” жомеидан Шўро Иттифоқи даврида дон омбори ва спорт мактаби сифатида фойдаланилган. 1960 йиллари 140 йил аввал Қирғизистонга кўчиб келган хитойлик дунган мусулмонларининг ҳаракати билан ёғоч масжид намозхонларга яна қайтариб берилган.

2016 йилда масжид ҳудудида таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Робия ДАМИН қизи тайёрлади.



Саломатлик

Инсултнинг олдини олса бўлади

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Беш нарсани беш нарсадан олдин ғанимат бил: ўлимдан аввал ҳаётни; касал бўлишдан олдин соғлиқни; банд бўлиб қолишдан аввал бўш вақтни; кексалик етмасидан олдин ёшлиқни; камбағал бўлмасдан аввал бойликни”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Ҳоким ривояти).

Киши умрини фойдали ишларга сарфлаши, саломатлигини асраши, турли иллатлардан йироқ бўлиши керак. Зотан, оқибатни, охиратни ўйламаслик киши бошига ташвишлар келтиради.

Афсуски, сўнгги йилларда одамлар орасида инсулт касаллиги кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби кашандалик, ичкилик, тўйиб ухлмаслик, асабийлик каби салбий ҳолатлар билан бевосита боғлиқ.

Мутахассислар фикрига кўра,

инсултнинг олдини олса бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда қонда холестерин миқдорини ошиб кетмаслигига ҳаракат қилиш лозим. Шунингдек, спиртли ичимликлар ичмаслик, тамаки маҳсулотларини чекмаслик, руҳий зўриқмаслик керак.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, соғлигига эътиборли одам жисмоний ҳаракатдан тўхтамайди. Айниқса, масжидларга пиёда бориш, намозларни ўз вақтида ўқиш ҳам соғлиқ учун кони фойдадир. Киши қанча кўп пиёда юрса, шунча соғлом бўлади. Бу вазифани мунтазам равишда амалга ошириш қон босимини меъёрлаштиради, кайфиятни ва баданнинг умумий ҳолатини яхшилайд.

Қолаверса, витаминларга бой мева-сабзавотларни кўпроқ истеъмо

эса юракни ҳамда томир деворларини кучли қилади, холестеринни ўзига шимиб олмайди.

Балиқ ва балиқ маҳсулотларини тез-тез еб туриш керак. Бу юрак мушакларида моддалар алмашинувини яхшилайд.

Шунингдек, саримсоқпиёзни истеъмо қилишнинг бир халқона усули бор. Саримсоқпиёз паррак-паррак тўғралиб, бир стакан иссиқ сувга 10–15 дақиқа димлангач, сўнг суви ичилиб, саримсоғи ютилса, қон томирларини ҳам, юракни ҳам соғлом қилади.

Демак, киши овқатланиш рационига қатъий амал қилиши, жисмоний фаолликни ошириши лозим. Шунда унга ҳеч қандай дард яқин йўламайди.

Шаҳнозахон СОДИҚОВА тайёрлади.

Эълон

«Шамсуддинхон Бобохонов» нашриёт-матбаа ижодий уйи «Ҳидоят» ва «Мўминалар» журналлари ҳамда «Ислом нури» газетасига тажрибали журналистларни ишга таклиф этади.

Талабгорлар:

- 25 ёшдан 40 ёшгача тажрибали (ижодкор) мутахассис бўлишлари;
- диний-маърифий саводи бўлиши;

Ишга таклиф

- соҳадаги меҳнат стажи беш йилдан кам бўлмаслиги;
- таҳлилий мақолалар ёзиш ва таҳрирни билиши;
- ўзбек тилида саводхонлиги юқори бўлиши.

Араб тилини билиши ва диний маълумоти бўлиши устунлик беради.

Шароитлар:

- беш кунлик иш тартиби;
- иш жойи Тошкент шаҳрида;
- иш ҳақи келишув асосида.

Ишга кириш истагида бўлганлар ўзлари ҳақида маълумотнома, йўналишга доир мақола, суҳбат ва бошқа ижодий ишларини @Hidoyat_jurnal ҳаволасига юборишлари мумкин.

Қўшимча маълумот олиш учун мурожаат қилинг: +998 71 202-34-30, +998 97 770-45-88

Анор пўстининг фойдаси

Қурилган анор пўстлоғини кўк чой билан бирга чойнакка солиб, қайноқ сув билан дамланг. Бу чойни кечаси ухладан олдин ичсангиз, тиникиб ухлайсиз.

Анор пўстлоғи қайнатилган сув билан оғиз чайқасангиз, тиш оғриғи, милк яллиғланиши ва шамоллашдан халос этади. Чунки унда оғиз бўшлиғидаги бактерия ва вирусларга қарши курашиш хусусияти мавжуд.

Бундан ташқари, бу қайнатмадан иссиқлигида томоғингизни ғарғара қилиб, 2-3 ош қошиқ ичиб юборсангиз, томоқ оғриғи ва нафас йўлидаги шамоллашдан қутуласиз.

Клюква (қизил нордон мева)

Нордон таъмга эга клюквани сувда, ёпиқ идишда сақлаш ёки ундан шарбат ва соуслар ҳам тайёрлаш мумкин. Клюква таркибида жуда кўп миқдорда С витамини мавжуд бўлиб, у иммунитетни оширишда ёрдам беради.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нури

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBAYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Zayniddin ESHONQULOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi: Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar
18-berkkoch'a, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyat.uz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:

Dilmurod SODIQOV

Musahhiha:

Zebo OMONOVA

Sahifalovchi:

Komiljon MAHMUDOV

Ekspertizaga berildi:

01.11.2024

Xulosa (№03-07/6665) olindi:

08.11.2024

"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU

bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.450
24-3/22-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkkoch'a, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.

Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث.

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!